Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 60 (4458).
14 МАРТ 1981 й
ШАНБА.
Газета 1966 йил июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Тошкент—республикага

Вазифаларимиз аниқ

Бутуниттифоқ «Гипрорис» институтининг шаҳримиздаги филиали коллективи республикамиздаги сувсиз ерларни суғориш бўйича янги-янги лойиҳалар яратмоқда. Бу лойиҳалар асосида жойларда мелиорация қурилишлари олиб боридмоқда, қақраб ётган ерлар оби ҳаётдан баҳраманд бўлмоқда.

БУГУН

институт филиалида яна бир янги лойиҳа устидаги ишлар ниҳоясига етказилди. Қашқадарё областининг Талимаржон районк учун мўлжалланган ушбу лойиҳани бош инженер Я. Гехтман билан унинг ёрдамчиси Г. Сапожников яратишди. Қарши магистрал канали яқинида жойлашган Талимаржон шаҳарчасининг аҳолиси яқин келажакда 100 минг кишига етади. Лойиҳани яратишдан асосий мақсад — мазкур район территориясини ободонлаштириш, ерларни сув билан таъминлашдан иборат.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да шундай дейилади: **«Ерларни мелиорациялашни янада ривожлантириш таъминлансин. Давлат капитал маблағлари ҳисобига 3,4—3,6 миллион гектар ерлар ҳамда 3,7 — 3,9 миллион гектар заҳи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилсин, сахро, ярим сахро ва тоғли районларда 26— 28 миллион гектар лиловга сув чиқарилсин».**

— Бу сўзлар, — дейди филиал техник бўлимининг бошлиғи С. В. Гребеншчиков, — бизнинг келгуси вазифаларимизни белгилаб беришда айниқса, муҳим роль ўйнайди.

Партия режалари— халқ режалари

СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари сингари мен бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси тикувчилари ҳам жонажон партиямизнинг XXVI съезди материаллари билан чин дилдан танишиб чиқдилар. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»даги ҳар бир бўлим меҳнаткашлар фаровонлигини ўйлаб тузилганлиги, айниқса, кишини қувонтиради. Бу Коммунистик партиямизнинг оқилона сиёсати ва ғамхўрлигининг яна бир улуғ намунасидир.

Мен тикувчилик бирлашмасига бундан 30 йил олдин ишга келгандим. Кўп нарсани ҳали билмасдим. Тажрибали ишчилар ўргатишди. Ўзим ҳам изладим. Тез орада тикувчиликнинг бутун сир-асрорларидан бохабар бўлиб, ўзим мустақил ишлай бошладим. Ўзингга бировлар ўргатгандан сўнг, кейинчалик ўзинг ҳам бошқаларга ўргатишга тўғри келаркан. Шу йиллар ичида 200 дан ортиқ қизларга тикувчиликдан малака улашдим. Улар ҳозирда бирлашманинг моҳир чеварлари сафида меҳнат қилишмоқда.

Бригадамиз эса, айни пайтда бирлашманинг энг илғор коллективларидан ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳар ойда 105—110 процентга ортиғи билан бажарилмоқда. Тикувчиларимизнинг кўпи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Н. Хрипунова, Г. Попадакалу, А. Галимзянова каби чеварларимиз цехдагина эмас, бирлашма бўйича пешқадамлик қилишмоқда. Асосий йўналишлардаги **«...енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18—20 процент кўпайтирилсин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар структураси яхшилансин»** сўзлари бригадамизни, айниқса, руҳлантирди. Шу кунларда партия қарорларини сидқидилдан бажара бориб, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун меҳнат қиляпмиз.

В. ОРИПОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

18 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Юксак унумдорлик билан

«Ташсельмаш» заводининг меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказишга қарор берган москваликларнинг ташаббусини зўр завк-шавқ билан қўллаб-қувватлади л а р. Машинасозлар заводда ўтказилган митингда шанбалик куни энг юксак унумдорлик билан ишлашга, маҳсулотнинг кўп қисмини тежаб қолинган ҳом ашё ва электр энергияси билан тайёрлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Шлифовкачи Р. Агай, цех бошлиғи Б. Эргашев, катта мастер В. Собкив ва бошқалар митингда сўзга чиқиб, шанбаликка тайёргарлик ва уни ўтказиш ишлаб чиқариш резервларининг кўриғи бўлади, деб таъкидладилар.

Партия XXVI съездининг қарорлари ана шу резервларни сафарбар этишга йўналтирмоқда.

Завод коллективи шанбаликда 87 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 37 та пахта териш комбайни учун деталлар комплектини тайёрлаш ниятидадир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, шанбаликда ишлаб топилган ўн минг сўмдан кўпроқ маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

БОҒДА БАҲОР

Чилонзордаги «Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғи коллективи кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборди. Ҳозиргача боғ ҳиёбонларига 400 туп ноёб навли арча, 20 минг туп яшил тўсиқ ўтқазилди. Кўчат ўтқазиш ишларида И. Расулов, Я. Зиёвутдинов, А. Муталов каби кўкаламзорлаштирувчилар, айниқса ғайрат кўрсатишяпти.

Эндиликда улар боғ атрофларига яшил тўсиқ ўтқазишни тезкорлик билан олиб боришяпти. Бундан ташқари хиёбонларга яна 400 туп арча ўтқазиш кўзда тутилган.

Истироҳат боғида аттракционларни, очиқ эстрада ва рақс майдончасини капитал ремонт қилиш ишлари ҳам бажариляпти.

Кўчат ўтқазиш авжида

Шаҳримизда баҳорги кўчат ўтқазиш қизғин олиб бориляпти. Шу боисдан ҳам «Тошкент гуллари» фирмасининг ихтисослаштирилган магазинлари харидорлар билан гавжум. Ҳамшаҳарларимиз олма, беҳи, шафтоли ва бошқа мевали дарахт ниҳолларини, айниқса кўплаб харид қилишяпти.

— Ҳозиргача турли ташкилотлар ва аҳолига юз минг тупдан ортиқ турли кўчатлар сотилди, — дейди «Тошкент гуллари» фирмаси директори А. Мухримов. — Кўкаламзорлаштириш икки ойлиги охиригача яна 50 минг тупга яқин кўчат сотилади.

тонгги газеталарда

⊙ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Мубарекгазпромстрой», «Бухарагазпромстрой», «Наипгазстрой», «Ўзбекгидроэнергострой» трестлари коллективларининг Мубарак газ комплексининг учинчи навбатини муддатидан илгари ишга туширишга ва ўзлаштириш борасидаги социалистик мажбуриятлари тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

⊙ КПСС XXVI съезди материаллари Ўзбекистон ёзувчиларининг диққат марказида турибди. Ижодий союзнинг 12 март куни бўлган очиқ партия мажлиси коммунистлар тарихий анжуманининг қарорларига бағишланди.

«СОЮЗ Т-4» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1981 йил 12 март куни Москва вақти билан соат 22 да Совет Иттифоқида «Союз Т-4» космик кемаси учирилди. Уни кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси, полковник Владимир Васильевич Коваленок билан борт инженер Виктор Петрович Савиних бошқариб бормоқдалар.

Учиш программасида «Союз Т-4» кемасини «Салют-6» — «Прогресс-12» орбитал комплекси билан туташтириш кўзда тутилган.

Кема экипажи станция ичида планлаштирилган ремонт-профилактика ишларини, илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни бажариши лозим.

«Салют-6» станцияси 1977 йил 29 сентябрдан буён космосда учиб юрибди. Станциянинг актив ишлашини таъминлаш учун 1981 йил 26 январда унга «Прогресс-12» кемаси туташтириб қўйилди. Биргаликда учиш давомида ердан берилган командаларга мувофиқ «Салют-6» кемасининг мотор қурилмаси ёрдамида комплекснинг орбитаси тўғриланди.

Телеметрия ўлчовлари маълумотларига кўра, «Союз-Т-4» кемаси ва «Салют-6» — «Прогресс-12» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 13 март. (ТАСС). «Союз Т-4» космик кемаси Москва вақти билан соат 13 гача ер теварагидан ўн марта айланиб учди.

Учиш программасига мувофиқ космонавтлар Владимир Коваленок ва Виктор Савиних «Салют-6» — «Прогресс-12» орбитал комплекси билан туташишга тайёргарликни давом эттирмоқдалар.

Телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, учиш нормал ўтмоқда, Коваленок ва Савиних ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.



Полковник Владимир Васильевич КОВАЛЕНОК

«Союз Т-4» космик кемасининг командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Владимир Васильевич Коваленок 1942 йил 3 март куни Минск области Крупская районидаги Белое қишлоғида туғилди.

1963 йилда Балашово учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини битириб чиққанидан кейин ҳарбий-транспорт авиациясида хизмат қилди.

В. В. Коваленок — 1962 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Владимир Васильевич космонавтлар отрядига 1967 йилда қабул қилинди.

1976 йилда у космонавтлар тайёрлаш марказида ишлаш билан айни бир вақтда Ю. А. Гагарин номли ҳарбий хаво академиясини тамомлаб чиқди.

В. В. Коваленок икки марта: 1977 йил октябрида «Союз-25» кемасида, 1978 йилда «Салют-6» станциясининг иккинчи асосий экспедицияси командири сифатида космосга парвоз қилган эди.

Виктор Петрович САВИНИХ

Виктор Петрович Савиних 1940 йил 7 март куни Киров область Оричи районининг Березкина қишлоғида туғилди.

1960 йилда Пермь темир йўл транспорти техникумини тамомлагач Свердловск темир йўлида ишлади, сўнгра Совет Армияси сафида хизмат қилди.

В. П. Савиних — 1963 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1969 йилда Москва геодезия, аэрофотосъемка ва картография институтини тамомлаб, конструкторлик бюросида ишлай бошлади. Виктор Петрович ўзининг ташаббускор инженер эканини кўрсатди, космик аппаратлар учун приборлар ясаш билан шуғулланди, космик кемаларнинг учишини бошқаришда қатнашди.

В. П. Савиних 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди. «Союз» кемасида ва «Салют» орбитал станциясида учишга тайёргарлик кўришнинг тўла курсини ўтади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ПОДЪЕМНИК» ИШЛАБ ЧИКАРИШ БИРЛАШМАСИНИ «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатда эришган муваффақиятлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ва Ватан қransозлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун СССР Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигига қарашли **«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ҳурмат Белгиси»** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил 12 март.

БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА

Илмий-амалий конференция

Шу кунларда пойтахтимиздаги барча ҳунар-техника билим юртлари коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларига чин кўнгилдан жавоб бериб, ибратли чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Билим юртларида съезд қарорларининг тарихий аҳамияти, съезд материаллари тарғиботи борасида ҳайрли ишлар қилинмоқда. Айниқса, шаҳримиздаги 127-ҳунар-техника билим юртида бу ишларга катта аҳамият берилмоқда. Съезд материаллари асосида бу ерда лекция кечалари, семинарлар ва конференциялар ўтказилмоқда. Ана шундай конференциялардан бири яқинда бўлиб ўтди. Илмий-амалий конференция деб аталадиган ушбу йиғилишда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси мастерлари, илғор ишчилари, билим юрти, ўқитувчи - мастерлари ҳамда бўлажак тикувчилар иштирок этишди.

Конференцияда тикувчилик бирлашмаси Бош директори Г. Адалев тикувчиларга ўз касбларини эгаллашни тўғрисида, КПСС XXVI съезди қарорлари хусусида сўзлади.

— Бундай конференциялар, — дейди билим юрти директори М. Юнусов, — студентларимизнинг касб малакасини оширишда, айниқса катта аҳамиятга эга. Конференциялар мобайнидаги вактда студентлар тикувчилик бирлашмасида амалий практикада бўлиб, касб сир-асрорларини тажрибали чеварлар раҳбарлигида ўзлаштирадилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

Эртага Фарғонадаги «Спартак» стадионида ва ҳушманзара Водилдаги равон йўлларда «Совет Ўзбекистони» газетасининг соврини учун марафонча югуриш ва юриш бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтади.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, бу мусобақаларнинг оммавийлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. «Совет Ўзбекистони» республика газетасининг соврини учун ўтказилаётган мусобақа анъанага алланиб бормоқда. Айни пайтда бу беллашувлар спортчиларга Бутуниттифоқ, Европа ва Жаҳон миқёсида ўтказилаётган турнирларга пухта тайёргарлик кўриш имконини беряпти.

Чирчиқ ва Жиззах шаҳарларида бўлган дастлабки икки турнирда Тошкент области терма командасининг аъзолари яхши қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишган эди. Қувончлиси шундаки, бу команданинг асосини пойтахтимиздаги енгил атлетикачилар ташкил қилишган эди. Бу йил ҳам улар енгил атлетика соҳасидаги ўз маҳоратларини ёркин намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритишларига ишонч бор.

Енгил атлетиканинг энг қадимий турларидан бири бўлган марафонча югуриш ва юриш йилдан-йилга республикамизда оммалашиб бораётганлигига республика газетаси соврини учун ўтказилаётган турнир катта ёрдам бермоқда. Турнир давомида қатнашчиларнинг маҳоратлари ошиб боряпти. Айни пайтда мусобақалар пайтида янги-янги талантлар аниқланмоқда. Бунга Тошкент области терма командасининг аъзоси Р. Мингазовни мисол келтириш мумкин. У 20 километр масофага марафонча юриш бўйича ўтказилган мусобақада спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Фарғоналик В. Белобородов ҳам ана шу мусобақаларда қатнашиб спорт мастери нормасини бажарди. Бухоро области терма командасининг аъзоси Р. Насиб-буллин 30 километр масофага ўтказилган марафонча юришда жуда яхши натижа кўрсатди. Унинг халқаро классли спорт мастери нормативини бажаришга атиги 35 секунд вақт етмади.

Шундай қилиб эртага марафонча югуриш ва юриш бўйича «Совет Ўзбекистони» газетасининг соврини учун ўтказилаётган турнирга учинчи марта старт берилади. Бу мусобақалар янги талантларни аниқлашга, спортнинг бу турини оммалаштиришга ва қатнашчиларнинг маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

Тошкентнинг якшанба куни

КУТУБХОНА ЧОРЛАЙДИ

СЪЕЗДГА БАҒИШЛАНАДИ

А. Навоий номидаги республика кутубхонасида Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳамда КПСС XXVI съезди материалларига бағишланган кўргазма очилди.

600 дан ортиқ экспонат — китоблар, брошюралар, газета ва журналлар республикамиз ва мамлакатимиз ҳақида, съезддан съездгача бўлган даврда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди материаллари муҳим ўрин тутади. Катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат — «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да эса Ўрта Осиё республикаларининг ўн биринчи беш йилликдаги буюк режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

* * *

Республика бадиий ҳаваскорлар уйи қошидаги «Панорама» фотоҳаваскорлар клубининг ташкил этилганига саккиз йилдан ошди. Бугунги кунда бу клуб юзлаб фотоишқибозларининг севимли масканига айланган. Улар бу ерга ҳар хил маслаҳатлар ва таклифлар билан келишади, малакаларини ошириш учун консультациялар олишади.

Ана шу фотоишқибозларининг ижоди билан танишмоқчи бўлсангиз «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройига келинг. Бу ерда сарой фойесида «Панорама» фотоклуби аъзолари олган суратлардан тузилган кўргазма очилди. Кўргазма клуб аъзоларининг республика бўйлаб қилган сафар таассуротлари, ҳамда ўлкамиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи суратлардан тузилган.

Бир суратда биз заводни, иккинчисида бадиий ҳаваскорлик коллективлари билан учрашув лаҳзасини кўрамиз. Учинчи суратда эса ям-яшил манзара ўз аксини топган. Кўргазмада намойиш қилинаётган суратлар кўп.

Уларнинг ҳар бири бизни ўзига жалб этади, ҳар бири нимаси билан дир кишига завқ бағишлайди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

САЛОМАТЛИК МАСКАНИГА

Тонг саҳарда метродан чиқаётган, автобус ва троллейбуслардан тушаётган шаҳарликлар қайгадир ошиқишмоқда. Улар завод ва фабрикаларнинг, қурилиш ташкилотларининг остонасига рюкзаклар, чанғилар билан боришмоқда.

Эртага улар саломатлик маскани — Чимёнга сафар қилишади. Бу сафар Чимённинг хушманзара этакларида Киров районни меҳнаткашлари ҳордиқ чиқаришади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Висотстрой» трести, 2515-автомобиль корхонаси, Ботаника боғи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари учун экскурсия ва саёҳатлар бюроси 50 та автобус ажратди.

Ишчи ва хизматчилар билан бирга районнинг бешта маданият уйи коллективлари ҳам йўлга чиқишди. Бадиий ҳаваскорлар Чимёнда дам олувчиларни янги концерт программалари билан хушнуд этадилар.

— Коллективимиз, — деди мухбиримиз билан суҳбатда А. Кодиғий номидаги маданият уйи директори В. И. Гончаров, — эртанги кун учун «Карнавал» номли махсус оригинал концерт программасини тайёрлади. Унда рус вокал чолғу, ўзбек миллий чолғу асбоблари ансамбллари ўз маҳоратларини намойиш қилишади.

КЎРГАЗМАЛАР

СЎНГГИ МОДА АСОСИДА

Шаҳримиздаги Округ офицерлар уйи тикиш-бичиш курси ўқувчилари тиккан янги кийим-кечак моделларининг анъанавий кўргазмасига таклиф қилади. Кўргазмада аёллар, эркаклар ҳамда болалар либосларининг сўнгги модалари намойиш қилинмоқда. Улар орасида кўйлаклар, пальтолар, болалар кийимлари, шунингдек шарф, свитерлар бор. Барча экспонатлар курс ўқувчилари қўли билан бажарилгандир.

Кўргазмага курснинг З. Ананова, Г. Ниёзова, Г. Ишмитова, Л. Денисенко, Г. Губенко каби аъзоларининг ишлари қўйилган.

Худди шундай кўргазма Фрунзе районидаги Фрунзе номли маданият уйида ҳам ташкил қилинган. Бу ерда тўрт йиллик тикиш-бичиш курслари биринчи битирувчиларининг тантанали кечаси бўлиб ўтди. Мазкур тўгаракка 425 киши машғулот ўтказишади. Ушбу кўргазма «Замонавий мода — аҳолига» шиори остида ўтказилмоқда.

ПОЙТАХТ МУЗЕЙЛАРИДА

ТАРИХ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ҳар ҳафта янги-янги экспонатларни қабул қилиб олади. Бу экспонатлар республикамизнинг узоқ ўтмиши, халкимиз санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга, кўплаб зиёратчиларнинг ҳам диққатини тортмоқда.

Музей Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз, Шаҳрисабз ҳамда Фарғона водийси ўлка ва тарих музейлари билан мунтазам алоқада бўлиб келмоқда.

Яқинда музей ўз залларига Фарғона, Андижон областларидан юборилган янги экспонатларни қабул қилиб олди. Булар турли ҳажмдаги гобеленлар, ҳар хил буюмлар, безаклар ва зеби-гардонлар бўлиб, улар халқ усталари ва чеварлари қўлида сайқал топган. Мабодо сиз тарих бўйлаб саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, якшанба куни, албатта музейга келинг!

Бу ерда 46 мингдан зиёд экспонат сизга республикамиз ўтмиши ва бугунги ёркин ҳаётимиз ҳақида «ҳикоя қилиб» беради.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ БУЮК ИШЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

● СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ— ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ | ● ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҚАТЪИЯТ КЎРСАТАЙЛИК | ● ЮКСАК ТАЛАБЛАР АСОСИДА

ЗАФАРГА УНДОВЧИ КУЧ

Беш йиллик ва коммунист

Партиямиз XXVI съезди материаллари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот доклади пойтахтимизнинг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари, олий ўқув юртларида қизғин ўрганилянти. Мисли кўрилмаган меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятн ҳукм сурянти.

Қуйида пойтахтимиздаги йирик корхоналар партия ташкилотларининг етакчиларн кейинги вақтда қўлга киритилган ютуқлар, коммунистларнинг етакчилик роли, партия ташкилотларида пайдо бўлаётган янги иш формалари ва усуллари ҳақида сўзлаб беришади.

ЁРҚИН ПРОГРАММА

А. МАҚСУДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари.

— Партиямиз XXVI съезди қарорлари коллективимиз ўртасида катта меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятини жўш урдирмоқда. Биз янги беш йилликда бригада усулига ўтиб ишлашга, шунингдек, қишлоқ хўжалити учун янги, серунум машиналарни қўлаб яратишга жазм этганмиз. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун бизда ҳамма имкониятлар ва асослар бор. Чунки эришилган муваффақиятлар ана шундай дейишимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Аввало, СССР трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада совринли ўринларни олиб келяпмиз. Дала меҳнаткашларига кўплаб юқори сифатли машиналар етказиб берямиз. Масалан, янги, пахтани аъло даражада тозалаб терадиган «ХНП—1,8» маркали машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Ҳозир у кўплаб тайёрланяпти. Бу машина давлат Сифат белгисини олган. Ҳозир жами маҳсулотнинг 40 процента давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Ҳисобот докладида қишлоқ хўжалиги учун машиналар унумдорлигини, пишиқлиги ва чидамлилигини ошириш вазифаси қўйилди. Шуни ҳисобга олиб, корхонамиз 22-цехи техника жиҳатдан қайта жиҳозланди. Кичик конвейер тўла ишга тушди. Бош конвейер эса кенгайтирилиб, янги линияга кўчирилди. Съезд белгилаган ёрқин программа асосида бошқа қатор тадбирлар ҳам белгиланяпти.

Тармоқ стандарти ва сифатни бошқариш системаси коммунистлар таклифи асосида жорий этилди. Коммунистлардан— бош конструктор ўринбосарлари В. Беляев, В. Плющчик, 15-цех бригадири, КПСС XXVI съезди делегати Ю. Степаненко, 14-цех бригадири О. Карпова ташаббускорлиги ва жонкуярлигини қайд этиб ўтмоқчиман.

Партия комитети иш формалари ва усулларини муттасил такомиллаштириб борянти. Масалан, партия XXVI съезди арафасида коммунистларнинг ишни янада яхшилашга қаратилган таклифларини, ахборотларни тўплаш бўйича махсус штаб муваффақиятли иш олиб борди. Партия комитети кейинги йилларда қўлга киритилган бой тажрибалардан янги беш йилликда умумий фойдаланиш режаларини белгилаянти. **Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига ҳисобот доклади ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги доклади юзасидан корхонамизнинг 1, 3, 14-цехларида ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари ва цехларида митинглар бўлиб ўтди.** Уларда ўнлаб коммунистлар, ишчилар янги юксак марраларни кўзлашаётгани, съезд белгилаган режаларни бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошганлари ҳақида гапиришди.

СИФАТ— ПАРТКОМ ЭЪТИБОРИДА

Н. КРИВОШЕЕВА,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари

— Ўн биринчи беш йиллик бутун корхонамиз учун съездда таъкидланганидек, ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш ва иш сифатини янада ошириш йиллари бўлади. Партия ташкилоти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширди. Социалистик мусобақани пухта ташкил этишга, иш сифатига алоҳида эътибор берилянти. Бирлашмамиз львовликларнинг маҳсулот сифатини бошқариш системасини жорий этди. Коллективимизнинг қўлга киритган энг катта ютуғи ана шу бўлди.

«Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир»—деб таъкидлади Ўртоқ Л. И. Брежнев. Социалистик мусобақани ташкил этишда коллектив ташаббусига таяниб, бешта стандарт жорий этилди. Асосий ва ёрдамчи цехлар бўйича, бригада ва цехлар ўртасидаги мусобақа шартлари, цехлараро мусобақа шартлари, «Заводнинг энг яхши мастери» номини олиш шартлари, бирлашма заводлари ўртасидаги ва «Сифат бўйича энг яхши цех, участка» номини олиш учун мусобақа шартлари ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришни бошқариш комплекс системасининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Программали бошқариладиган 500 дан зиёд станоклар ўрнатилди. Ҳозиргача ишлаб чиқаришни бошқаришнинг комплекс системаси бўйича 86 та стандарт жорий этилди.

Ҳисобот докладида корхоналарни ривожлантириш учун тегишли шароит яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Корхонамизнинг техника жиҳатдан қайта қуролланганлигини шу ўринда айтиб ўтмоқ керак. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифати ҳам ошди. Ҳозир жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 32 процента давлат Сифат белгисини олган. Кейинги йилларда умуман корхонада катта сифат ўзгаришлари бўлди. Нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаш, уни биринчи тақдим этишдаёқ топшириш ҳаракати кенг тус олди. Бу коллективимиз эришган муҳим ютуқдир.

Коллективимиз эришаётган ютуқлардан яна бири — янги маҳсулот ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштириляпти. Масалан, каркасли тоқиларнинг янги туркуми ишлаб чиқарилянти. Шунингдек, включатель ва переключателлар модернизацилашди. Буларнинг ҳаммасига ўз-ўзича эришилгани йўқ, албатта. Партия комитети ҳамиша ана шу тадбирларни ўз диққат-марказида тутмоқда.

Партия комитети ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида маҳсулот сифатини янада ошириш тўғрисида кучайтирди. Бизда маҳсулотни ёки топширилган ишни сифатсиз бажариш ҳолларн рўй бергудай бўлса, бутун коллектив ўртасида бунга йўл қўйган ишчи шаънига доғ тушади. Ҳар бир ишчи ёки ходим сифат учун юксак масъулият ҳиссини сезиб ишламоқда.

Шуни фахр билан айтиш керакки, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан амалга оширилган ва бошқа тадбирлар коммунистлар таклифлари, уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли рўёбга чиқди. Бирлашмада коммунистлар ҳар ишга бошқош бўлмоқдалар. Электрмонтаж цехининг бошлиғи Пётр Солдатов, гальваник цехи бошлиғи Саттор Мажидов, созловчи Александр Бондаренко сингари ўнлаб коммунистлар таклифлари асосида маҳсулот сифатини янада яхшилаш бўйича тадбирлар жорий этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошлангич партия ташкилотлари ролига муносиб баҳо бериб, уларнинг кўпроқ ташаббускор, принципиал бўлишига эътиборни қаратди. «Маҳаллий тажриба нечоғли бой, нечоғли хилма-хил бўлса, умуман партиянинг фаолияти шу қадар самарали бўлаверади» деб таъкидлади. Корхонада бўлиб ўтган митингда бирлашма коммунистларининг ана шу йўналишдаги ташаббусларини, ишга ижодий ёндошишлари ҳақида гап борганини айтиб ўтишни истардим. Бизда улар ташаббуси билан кўпгина янги иш форма ва методлари майдонга келган, Масалан, сифат бўйича партия комиссияси ташкил этилди. Бу комиссия барча техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши устидан муваффақиятли назорат олиб борянти. Бевосита ишимизни яхшилашга қаратилган кўпгина янги таклифлар тушди. Қўл меҳнатини янада камайтириш, топшириладиган иш учун масъулиятни ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ичкилибозликка қарши қатъий чоралар кўриш юзасидан фикрлар билдирилди. Бирлашма қуйи партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши, ташкилий-партиявий иш юзасидан комиссия ҳам муваффақиятли ишлаб турибди. Бутун коллективимиз партия XXVI съезди олдимизга қўйган юксак талаблар асосида иш юритишга интиляпти.

Суҳбатни

Ҳ. ИКРОМОВ
ёзиб олди.

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олган Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да г и **«... спорт ва туризм учун керакли молларни ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин»** деган жумлаларни ишнинг бош мезони деб билмоқдалар ва ана шундан келиб чиқиб янги режалар, янги планлар белгилаб олмоқдалар.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда спорт ва туризм буюмларига бўлган талаб кескин даражада ошиб бораянти. Буни ҳисобга олган комбинат меҳнат аҳли ойдан-ойга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмоқда, хилларини янгиламоқда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эътиборни қаратмоқда.

Корхона коллективининг қўлга киритаётган ютуқлари тўғрисида гапирилганда, беихтиёр ана шу муваффақиятларни таъминлаётган илғор ишчиларнинг номини тилга олгинг келади. Жумладан, кўн-галантерея буюмлари тикувчиси Евгения Антипина, бичувчи Мансурия Исҳоқова, юқори частотали ток билан пайвандловчи Анна Кузанковалар корхонанинг фахри ҳисобланишади.

—Меҳнат беллашувида, — дейди бирлашма бош инженери И. Асрнян, — қўлқоп тикув цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Коллектив асосан комсомол-ёшлардан иборат. Айниқса, Муқаддас Юнусова етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригаласи сезиларли ютуқларни қўлга киритяпти.

—Бригадамиз яқинда ташкил топган, — дейди коллектив етакчиси М. Юнусова. — Очиғини айтганда, дастлаб анча қийиничиликларга дуч келдик. Лекин муваффақиятсизликлардан эсанкирамадик, бир-биримизни тушунишга, интизомни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик.

Бирлашма цехларида, бригада ва участкаларида КПСС XXVI съезди қарорлари яқиндан ўрганиляпти.

Бундан илҳомланган бирлашма меҳнаткашлари барча резервларни ишга солиб, кунлик ўсишни кучайтирмоқдалар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

Шаҳримиздаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтасини кўтаринки руҳ билан ўтказди. Халқ хўжалигининг барча муҳим буюртмалари ўз вақтида юқори сифат билан адо этилди. Сиз мана бу фотолавҳада нўтарма кранлар йиғиш цехининг илғор механизаторларидан (чап дан-ўнгга) Галина Назаренко ва Людмила Моховаларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АСАЛАРИЧИЛАР ҲАФТАЛИГИ

СОФИЯ. Болгарияда асаларичиларнинг анъанавий ҳафталиги ниҳоясига етди. Бу ҳафталик қимматли маҳсулот ҳамда боғлар ва далаларнинг ҳосилдорлигини оширишга кўмаклашувчи хом ашё берадиган хўжалик фаолиятнинг муҳим тури бўлган асаларичиликни оммалаштиришга бағишланган эди.

Республикада тармоқни 1990 йилгача ривожлантириш юзасидан БХР Министрлар Совети қабул қилган кенг программа амалга оширилмоқда, жамоат асаларичилик хўжаликлари марказлаштирилмоқда. Ҳозир Болгарияда 620 мингдан кўпроқ асалари оилалари бор. Бултур бу оилалардан салкам 6.900 тонна асал олинди. Беш йиллик охирига бориб асал етиштиришни 10 минг тоннага етказиш белгилаб қўйилди.

Афғонистоннинг жанубий-шарқидаги Нангархар вилоятидаги давлат механизацилашган фермаларида бу йил мева мўл бўлди. Шу йилнинг январь ойида бу ерда 3 минг 500 тонна цитрус ва бошқа мевалар йиғиб олинди. Уларнинг муайян қисми экспорт қилинди.

СУРАТДА: совет мутахассиси, тошкентлик Зокир Раҳматиллаев (ўнгда) «Ғозиобод» фермасининг саралаш павильонида афғон ишчилари билан суҳбатлашмоқда.

Г. Надеждин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ҲАМКОРЛИККА—ЧОРАК АСР

ДЕҲЛИ. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигига чорак аср бўлди. 1956 йилда СССР Суратгархда Ҳиндистонда биринчи механизацилашган ферма барпо этишда ёрдам берди. Ўшанда Ражастон штатидаги шу қўрғоқ район деҳқонлари совга этилган комбайнлар, молотилкалар, бошқа деҳқончилик машина-ускуналарини олгандилар. 25 йил ичида Осиёдаги бу катта давлат фермаси яланглик ларни бўстонларга айлантирди. Фермада чиқарилган қурғоқчиликка бардош берувчи буғдой ва шоли навлари туфайли кўп жиҳатдан шуларга эришиш мумкин бўлди. Совет мутахассисларининг ҳамкорликлари билан барпо этилган Суратгарх ва бошқа олтита ферма илғор деҳқончилик ва чорвачилик мактаблари бўлиб қолиб, уларда юзлаб агрономлар, мелиораторлар, механизаторлар таълим олмоқдалар. Ҳиндистон аҳолисининг қарийб 80 проценти банд бўлган қишлоқ хўжалиги нкки томонлама самарали ҳамкорлигининг муҳим соҳасидир, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Ҳиндистоннинг таниклн экономисти Гириш Мишра. Ҳиндистон ва совет мутахассислари ўртасида мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Кейинги 10 йилда биргалашиб 6 та илмий симпозиум ўтказилди, донли экин ва чорвачилик селекцияси проблемаларига доир ишлар амалга оширилди. Делегациялар ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Ирригация Ҳиндистон деҳқончилигининг негизидир, шунинг учун ирригация иншоотларини қуришда Совет Иттифоқи берётган ёрдам Ҳиндистон учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади, деди Гириш Мишра.

ПУДРАТЧИГА ЁРДАМ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги энг катта автомобиль корпорацияларидан бири — «Крайслер»нинг маълум қилишича, у 1980 йилда 1,71 миллиард доллар молиявий зарар кўрди. Шу муносабат билан «Нью-йорк таймс» газетасининг уқтириб ёзишича, корпорация суруниасига уч йилдан бери ўз балансини катта камомат билан якунламоқда. Умуман олганда, деб ёзади газета, корпорация вакилининг баёноти, кузатувчиларнинг фикрича, Америка саноатининг шу тармоғи учун энг кўп мушкилот келтирган ўтган йилнинг якунларини чиқариб бергандек бўлди. Деярли ҳамма асосий компаниялар зарар кўрганликларини маълум қилдилар. Аммо мана шу жуда машаққатли мушкилотлардан асосан корхона эгалари эмас, балки меҳнаткашлар азият чекдилар. Бир неча юз минг киши ишдан маҳрум бўлди.

«Крайслер»нинг ахбороти, деб уқтиради «Нью-Йорк таймс» газетаси, ҳукумат тузган махсус комиссиянинг мажлиси билан бир вақтга тўғри келди. Бу мажлисда корпорацияга 400 миллион доллар миқдорда гарантияланган қўшимча қарз бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бироқ Пентагоннинг энг асосий пудратчиларидан бирига мадад беришга интилаётган федерал маъмурларининг шошилинч ёрдамига ҳам қарамай, корпорациянинг истиқболлари мутлақо нохушдир.

Эртага—Уй-жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

◆ УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ҒАМХЎРЛИК

Янгилик самараси

«УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ВА УНИ АСРАШ ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛСИН. АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Тошкент кўз ўнгимизда чирой очиб, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланиб бораяпти. Шаҳарнинг энг катта бойлиги — уй-жой фонди йил сайин кўпаймоқда. Ҳар йили умумий майдони тўрт юз минг квадрат метрдан ортиқ уйлар фойдаланишга топширилянти. Бу ўз навбатида ана шу катта хўжаликни асраш ва бошқаришни қийинлаштиради. Ҳозир ана шу соҳада 8 мингдан ортиқ киши меҳнат қилянти.

Шаҳар уй-жой бошқармаси кейинги йилларда турар жой фондидан фойдаланишни ва ишнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бир қанча ташкилий тадбирларни амалга оширди. Жумладан, 1978 йил бошида Чилонзор районидаги 11 та уй-жойлардан фойдаланиш идораси базасида уй-жойлар ишлаб чиқариш — эксплуатация трестини ташкил этилган эди. Бундан мақсад аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш эди.

Янги трестнинг ташкил этилиши жорий ремонт билан шуғулланувчи ишчи кучларини марказлаштириш, уларни ишлаб чиқариш хизматлари бўйича ихтисослаштириш имконини берянти.

Эксперимент тарқасида Новосибирск шаҳри тажрибаси асосида уй-жой фондига профилактик хизмат кўрсатиш системаси жорий этилди. Янгиликнинг моҳияти уй-жойлар, санитария-техника жиҳозларини кўздан кечириши муайян тартибда меҳнатни ташкил этиш картаси асосида бажаришдан иборат.

Янги усулни жорий этиш туфайли аҳолидан бирорта жиҳозни ремонт қилиб беришни талаб қилувчи буюртмалар уч мартадан кўпроқ камайди. Масалан, 1975 йилда юз квартира ҳисобидан тўққизта буюртма тушган бўлса, янгилик жорий этилгандан кейинги йили учтага яқин бўлди. Буюртмалар бўйича слесарлик ишларини бажаришга илгари 12—15 соат вақт сарфланар эди. Эндиликда бу муддат 5—8 соатни ташкил этяпти. Иш сифати бирмунча яхшиланиб, аҳолидан тушадиган шикоятлар камайди.

Бугунги кунда Чилонзор райони тажрибаси асосида шаҳримизнинг Куйбишев, Акмал Икромов ва Собир Раҳимов районларида ҳам уй-жой ишлаб чиқариш— эксплуатация трестлари ташкил этилган.

Шаҳримиздаги барча турар жой массивлари, кварталлар ва микрорайонларн н н г ўзига хос архитектураси, чиройи бор. Ана шу жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, кичик архитектура формаларининг саранжом-сари ш т а, ҳовлиларнинг озода бўлиши нимни қувонтирмайди, дейсиз. Фарғоналар ишини рағбатлантириш мақсадида Ленинград шаҳар уй-жой бошқармаси тажрибаси асосида 20 та уй-жойларни фойдаланиш идорасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд системасига ўтилди. Янгилик ижобий натижалар беряпти. Жумладан, фарғоналарнинг норматив сони деярли икки марта камайиб, уларнинг ўртача маоши 70 сўмдан 120 сўмгача кўпайди.

Бошқаришнинг ташкилий жиҳатдан яхшиланиши, меҳнатни ташкил этишнинг истиқболли усуллари жорий этилиши уйларни сақлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини бирмунча юқори поғонага кўтариш имконини берди. Жумладан, бир квадрат уй-жойни жорий ремонт қилиш қиймати ўртача 15—18 процент қисқарди.

Шаҳар уй-жой бошқармаси ходимлари жонажон партиямизнинг XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, ўн биринчи беш йилликда аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилайдилар.

У. РИЗАЕВ,
шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи.

• Бизнинг интервью

БЕМИННАТ ХИЗМАТ РИВОЖЛАНАДИ

Тошкент шаҳар «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. Унинг цехларида холодильниклар, кир ювиш машиналари, электр ус таралар, ҳисоблаш ва ёзув машиналари, соатлар ва бошқа маиший техника буюмлари ремонт қилиб берилади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича КПСС XXVI съезди қўйган вазифаларни амалга ошириш борасида корхонада қандай ишлар қилинаяпти? Биз бу ҳақда сўзлаб беришни бирлашма директори А. Д. АЗИМОВдан сўрадик.

— Мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш системасини янада ривожлантиришнинг катта давлат аҳамиятга молик эканлиги яна бир бор таъкидланди. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини, сифатини ошириш, шаҳарликларнинг ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Сифат ва самарадорлик —ишда юксак муваффақиятл а р г а эришишнинг асосий гаровидир. Биз ана шу кўрсаткичларни яхшилаш учун мунтазам изланаяпмиз. Бир пайтлар холодильник ёки кир ювиш машиналари аппаратларда текширилмасдан ремонт қилинар эди. Ҳозир эса бирорта агрегат текширув-ўлчов аппаратларида синаб кўрилмасдан буюртмачига топширилмайди. Бунга цехларда холодильник агрегатларини заправка қилиш ва уларни фреон билан зарядлаш, электр кучига бардошлигини текшириш стендлари, мотор-компрессорл а р самарадорлигини синаш жиҳозлари жорий этилганлиги туфайли эришилди.

Ремонт муддати ҳам кескин қисқарди. Масалан, кимдир холодильниги бузилиб қолганини маълум қилди, дейлик. Усталаримиз ундаги маҳсулотлар совимасдан илгари тузатиб беришади. Кир ювиш ва тикув машиналари, пилесослар ҳам ана шундай тезкор усулда ремонт қилинаяпти.

Бирлашмада олиб борилаётган бошқа ишлар ҳам буюртмачиларга ғамхўрлик қилишга қаратилган. Бизда хизмат кўрсатишнинг абонемент усули жорий этилган. Қабул пунктларининг қулай иш режими тўғрисида ҳам ўйлаб кўрдик. Эндиликда, шаҳарнинг қатор саноат корхоналарида ҳам бундай пунктлар очилди. Уларнинг кун тартиби аҳоли учун қоят қулай.

Ҳар бир устанинг шахсий масъулиятини ошириш мақсадида соатлар ремонт қилинувчи поток цехида сифатни бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилди, бу ремонт қилинган соатларнинг 90 процентини дастлабки тақдимдаёқ топшириш, қайта ремонтни 12 дан 5 процентга камайтириш, ремонт муддатини қисқартириш имконини берди.

Сифатни бошқариш системаси жорий этилиши бир йилда 40,2 минг сўм иқтисодий самара берди.

Бирлашмада кўплаб тажрибали мутахассислар меҳнат қилишаяпти. Биз улар билан ҳақли суратда фахрланамиз. Улар хизмат кўрсатишнинг малакали усталарини тарбиялаш ва камол топтиришдек ҳайрли вазифани бажаришаяпти.

Шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатишда ҳали анчагина камчиликлар бор. Биз ҳозирча саноат корхоналари, муассасалар, ётоқхоналар, аҳолининг дам олиш жойларида қабул пунктларн ташкил этишни етарли даражада йўлга қўймадик. Цехларимизнинг шаҳар бўйлаб тарқоқ жойлашганлиги ишимизга ҳалал бераяпи. Шу боисдан буюртмачилар шаҳарнинг бир чеккасига холодильникни ремонт учун жўнатишса, кир ювиш машинасини бошқа районга олиб боришади. Агар Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 8-трест бинокорлари Ново-Полтарацкий кўчасидаги мураккаб маиший техника ремонти заводини белгиланган муддатда фойдаланишга топширишганда эди, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлар эди. Чунки ана шу корхона ишга туширишгача, кўпгина проблемалар ҳал этилади. Биз аҳолидан тушувчи барча буюртмалар жамланадиган диспетчерлик пункти очишни мўлжаллаяпмиз, янги истиқболли хизмат кўрсатиш усули — алмашиш фонди барпо этишга тайёрланяпмиз, шунингдек тез ремонт қилиш ишлари учун ўнлаб автомашиналар олиш ниятидамиз. Буларнинг ҳаммаси шаҳарликларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни меҳнатда самарали ютуқлар билан кутиб олган бирлашмамиз ишчи ва хизматчилари зиммаларига олган барча топшириқларни муддатидан илгари адо этиб, азиз ҳамшаҳарларимизга ҳамиша намунали хизмат кўрсатишади.

М. МУРОДОВ.

Бош пландан бир лавҳа

КЎРКАМ БОҒНИНГ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг боғи яқин йиллар ичида пойтахтимизнинг энг севимли оромгоҳларидан бирига айланади. «Ташгипрогор» институти меъморлари бу ерда қад кўтарадиган виставканинг янги павильонлари, томошахоналар, маданий-маиший объектларни лойиҳалаш ишларини олиб боришмоқда. Айни пайтда институт меъморлари боғ территориясида қуриладиган янги ободончилик объектлари билан бу ерни пойтахтимизнинг энг хушманзара жойларидан бирига айлантиришга ҳам катта эътибор беришмоқда.

Ҳозирга қадар «Ташгипрогор» институтида виставканинг пахтачилик ва қурилиш павильонлари, шунингдек боғ территориясида кўпка бўй чўзаётган телеминорани янада ободонлаштирилади. Боғ территориясида қуриладиган ана шу янги ободончилик объектлари виставка территориясини реконструкциялашнинг сиз кўриб турган ушбу суратида яққол акс этган.

Москвадаги «ЦНИИПметалликонстр у кция» лойиҳалаш институти меъморлари томонидан яратилган 350 метрлик телеминора эса виставка боғигагина эмас, бутун пойтахтимизга ажойиб гўзаллик бағишлайди. Виставка боғи этагидаги Бўзсув канали ўнг соҳилида қад кўтараётган минорани баландлиги ҳозир 150 метрга етай деб қолди. Бу ноёб иншоот қурилишини 11-«Висотстрой» трестига қарашли 69-қурилиш бошқармаси ҳамда «Спецсталконстр у кция» трестига қарашли Ленинграддаги 26-монтаж бошқармасининг пойтахтимизда ишлаб бораётган 5-участкаси бунёдкорлари ҳамкорликда амалга оширишмоқда.

Телеминорани қуйи қисмидаги техник бинолар ва бошқа объектлар қурилишини 69-бошқарма коллективи амалга ошираётган бўлса, бутунлай металл конструкциялардан қад кўтараётган минорадаги монтаж ишларини эса ленинградлик бунёдкорлар бажаришяпти. Бу ерда иш уч сменада ташкил этилган. Участканинг Ф. Лолевко бошлиқ пайвандчилар, Б. Соболев ва В. Севастянов бошчилигидаги монтажчилар бригадалари осмонўпар объектнинг энг новик жойларида ҳам моҳирлик билан иш бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

Албатта, 350 метрлик бу телеминора қурилишидаги иш босқичлари жуда қизиқарли. Негаки, телеминора қанчалик бўй чўзса, юқорига металл конструкциялар кўтариб бераётган крани ҳам шунга мувофиқ равишда бўй чўзяпти.

— Кўтарма крани янада юксакроққа кўтариш учун унинг ҳамингга туташ таянч қисми орқали бутун бир кранни кўтариб туриб, янги асос монтаж қилинади,— дейди участка бошлиғи Н. А. Онучин. —Шу тахлитда биз кўтарма кранни 200—300 метр бўлгунга қадар ҳар сафар кўкка «бўй» чўзирамиз».

КПСС XXVI съезди очилиши арафасида участка қурувчилари 144-метрда монтажлаш ишларини якунлашга муваффақ бўлдилар. Коллектив шу йилнинг июль ойига қадар 220 метрлик юксакликка кўтарилишга аҳд қилишган. Телеминоранинг бу нуқтасида ҳам 100 метрда бўлгани каби мураккаб инженерлик иншоотлари монтаж қилинади. Хусусан, шаҳарни баландликдан томоша қилувчилар майдончаси қурилади. У махсус диска мустаҳкамланади. Тез орада бу ерда металл конструкциялардан қад кўтараётган теленинора сиртини бўяш, энг юқори нуқта учун антеннани монтаж қилишга тайёрлаш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Аллоҳалар ҳақида ҳикоятлар

ОДАМ РУҲИ

Ибн Сино даволаётган беморининг ҳузурига айтган пайтида келибди. Қараса, беморнинг аҳволида ўзгариш йўқ. Чунки бемор на дори-дармонлардан истеъмол қилибди, на табиб айтганларига амал қилибди. Бундан ажабланган Ибн Сино:

— Нега ундай қилдинг?—деб сўрабди.

— Худо бандасига берган жонни нима қилиши ўзига аён. Бандаси нима ҳам қила оларди,—деб қўлини секин силтабди бемор.

—Иссиқ жондан умид деганлар,—мулойим муомала қилибди табиб.—Сиз мен билан тил топишсангиз бўлгани, албатта, шифо топасиз.

— Барибир фойдаси йўқ, — яна умидсизланибди бемор.

—Таажжуб. Касал жисмни енгилини биларди, аммо одам руҳини енгилини энди кўряпман. Бу касаллик анча оғир, даволаш мушкул бўлади...

Бемор Ибн Синонинг бу таъсирли сўзини эшитгач, унинг айтганларига амал қилиб дори-дармонларни ичибди-да, тез орада соғайиб кетибди.

АВВАЛ ТАЖРИБА, СЎНГ АМАЛ

Кунлардан бир кун Ибн Сино шогирдларига шундай мурожаат қилибди:

—Сизнинг малҳамингиз беморга кор қилмаётган бўлса, нима қилардингиз?

—Бошқа дори-дармон берардим,—дебди шогирдларидан бири.

—Мен ҳам шундай қилардим, —дебди иккинчиси.

—Бордию, бошқа дориларингиз билан беморни қўлдан бериб қўйсакчи?

Бояги икки шогирд ҳайрон бўлибди. Шунда учинчи шогирд дебди:

—Амалда қўлланган дорини берардим. Агар янги дори ихтиро қилмоқчи бўлсам, уни ҳам аввал тажрибада синаб, сўнг амалда бажарардим.

Ибн Сино шогирдининг фикрини қўллаб, шогирдларига ҳар доим ақл, сабр билан ишлашни ўқитирибди.

УТКИР ЗЕҲН

Кўпчилик ўртасида бироз бир куни Ибн Синонинг устидан кулмоқчи бўлибди.

— Улуғ ҳаким,—дебди у, — мен шундай дардга йўлиққанманки, бутун аъзоларим қақшаб оғрийди, бу қандай дард?

— Қайси пайтда дард қандай бошланади? — сўрабди Ибн Сино.

— Бирида бошим, бирида қорним оғрийди. Ваъсан оёқ-қўлларим зирқираб қолади.

— Қизиқ, наҳотки шундай дарднинг азобини тортиб, унинг қандай бошланганини аниқ айтолмасангиз?

— Ўзим ҳам билмайман. Ҳамма жойим бирдан оғрийди... Сиз зўр ҳакимсиз, шуни аниқлаб, дардимга шифо топсангиз.

Ибн Сино яна икки-уч бор савол бериб, унинг ҳийласини пайқабди, сўнг шундай дебди:

— Касалингиз телбаликка ўхшайди.

— Тоғдингиз, — дебди ўлтирганлардан кимдир,—телбаликка ҳам малҳам бордир.

— Телбалик дарднинг фақат ақл тузатади. Ақлли киши ўзини бу аҳволга солмайди.

Одамлар улуғ табибнинг ўткир зеҳнига яна бир бор қойил қолишибди.

ШИРИН СЎЗ—МАЛҲАМ

Абу Али ибн Синонинг шогирдларидан бири тўшакда оғир дарддан иситмалаб, вақт ўтган сари нурсиз кўзларининг қорачиғи оқариб бораётган беморга қарар эди. Унинг аҳволи ниҳоятда танг эди. У алаҳсирар, ҳолдан толган кишидай тез-тез чуқур нафас оларди. Шогирди беморнинг бу ҳолини кўриб ташвишга тушиб қолди. У устозининг «кечаги беморгдан хабар келди, бирров бориб аҳволидан хабардор бўлай» деб кетган бўлса-да, лекин юраги тезроқ Ҳакимнинг келишини истарди.

Шогирд устоз келгунча, у айтгандай қилиб дори-дармонларни бериб бўлганди. Бемор ёнига укасини қолдириб, ўзи нима қилишини билмай эшик бўсағасида устозини сабрсизлик билан кутиб турди.

Бир оз вақт ўтгач, беморнинг укаси ичкаридан югуриб чиқди. Унинг ранги ўчган, кўзлари ёшга лиқ тўла:

—Акам ҳеч нимани билмаяпти, оёқлари муздай...

Бунн эшитиб шогирд қўрқиб кетди. «Нима қилиш керак?». У бирдан ўзини қўлга олди-да, вазмин овозда деди:

—Сиз бемор олдида бундай ҳолда ўтирманг. Ахир, важоҳатингиздан касал у ёқда турсин, мен табиб ҳам қўрқиб бораяпман. Бемор кишининг руҳини кўтариб тўриш керак. Бояги мен берган дорини Ибн Сино, бемор тановул этгач, оз-моз безовталаниши мумкин дедилар. Демак, малҳам тандаги хасталикни безовта қилмоқда. Билингки, шифо бўлгай...

Шогирд бемор соҳиби билан уйга кириб, унга бояги малҳамдан ичкизибди. Лекин бемор аҳволи ўзгармасди.

Шу пайт Ибн Сино кириб келди. У беморнинг аҳволини кўриб, шогирдидан:

— Нима чора кўрдингиз?—деб сўради.

— Ҳеч нима, фақат ўша сиз қолдирган малҳам,—деди-да, кейин секин устозига қараб гапирди:—Устоз, авф этасиз, нима қилишни билмай қолдим. Буларга нуқул таскин бериб, хушсўз айтиб турдим.

Шогирдининг ростгўй ва бемор соҳибларига самимий муомаласидан Ибн Сино хурсанд бўлди:

—Сиз жуда ҳам тўғри иш қилибсиз. Сўз—малҳам. У баъзида ҳар қандай дори-дармондан устун бўлади. Яхши каломингиз ҳам ҳастанинг, ҳам унинг эгалари кўнглини кўтарган.

Шундан нақл қолган экан: «Ширин сўз—жон малҳами».

Р. ҚОДИРОВ тайёрлаган.

Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ИЎЛДОШЕВ: Менинг бир нарсам, Суворовчилар билим юртиқаерда жойлашганлиги ва унга қабул қилиш шартлари қизиқтиради. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Москва, Ленинград, Киев ва Свердловск шаҳарларида Совет Армияси учун офицерлар тайёрловчи Суворовчи ҳарбий билим юртлари бор. Бу билим юртларига ёшлар ҳарбий комиссариатларнинг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Сиз ўзингиз яшаётган Ҳамза район ҳарбий комиссариатига боринг.

* * *

А. ИСАМУҲАМЕДОВ, К. ЮСУПОВА: Спортнинг дзю-до ва енгил атлетика тури билан шуғулланиш ниятидамиз. Шундай секциялар қаерда борлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида спортнинг бошқа турлари билан бир қаторда дзю-до ва енгил атлетика секциялари ҳам ишлаб турибди. Жамият Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган.

* * *

З. МАДАМИНОВА: Фарғонадан Тошкентга ўқиш ва ишлаш учун келганман. Паспортимни қаерга прописка қилишим мумкин?

Жавоб: Бу ишни амалга ошириш учун Сиз бирон-бир корхонага ишга киришингиз лозим. Агар ишга қабул қилинсангиз, корхона кадрлар бўлимидаги ходимлар паспортингизни қаерга прописка қилишингиз лозимлигини айтиб беришади.

* * *

А. КАРИМОВ: Тошкент политехника институтининг автоматлашган бошқарув системалари факультетида ўқийман. Шунга қарамасдан ҳарбий авиация билим юртига кириб ўқиш ниятидаман. Бунн амалга ошириш учун нима қилишим керак?

Жавоб: Одатда ҳарбий билим юртлари ва академияларга ўқувчилар ҳарбий комиссариатларнинг йўлланмаси билан қабул қилинадилар. Бинобарин, Сиз ҳам ўзингиз ҳисобда турган район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишингиз лозим. Комиссариат ходимлари аниқ маслаҳат беришади.

* * *

Д. ЮНУСОВА: Биз меҳнат қилаётган кўнгалантерея ва спорт буюмлари комбинатида бухгалтерлар иш ҳақининг 10—13 процент миқдорида даромад солиғи ушлаб қолишляпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра, ишчининг ҳақиқий маошидан молия министрлиги томонидан тасдиқланган махсус жадвалга қараб даромад солиғи ушлаб қолинади. Бу жадвал барча бухгалтерия ходимларида бор. Шу боисдан ҳам улар ушлаб қолиниши лозим бўлган даромад солиғи миқдорини белгилашаётганда хато қилишмайди.

* * *

О. КАРИМОВ: Мен ички ишлар органларида 25 йил ишлаб, пенсияга чиққанман. Эшитишимга қараганда, бир жойда кўп вақт ишлаб, пенсияга чиққан граждаилларга 1981 йилдан айрим имтиёзлар берилган. Ана шу имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: 1978 йилда ва ўтган йили пенсионерларга бериладиган имтиёзлар ҳақида чиқарилган қарорларда асосан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига енгилликлар бериш назарда тутилган. Жумладан, Улуғ Ватан урушининг биринчи ва иккинчи группа инвалидлари ер ва иморат солиғи тўланган озод этилганлар. Ишлаётган Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалидлари даромад солиғи тўлашдан озод этилганлар. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари эса даромад солиғини 50 процент миқдорда тўлашлари белгиланган.

Шанба оқшоми

Баҳор чечаклари

Баҳорни ким севмайди дейсиз: мусаффо, ложувард янглиғ осмон, кўксини турфа чечаклар билан безаган қир-адирлар, яшил пўстинли далалар, барқут либос дарахтлар кишини маҳлиё этмай қўймайди.

Кўкда ечилиб кетган турналар арғимчоғию, тўрғай навоси, қалдирғоч виж-вижи-ю, навбаҳор ҳавоси ҳар қандай дилни симобдек эритиб юборади. Ҳаммадан ҳам баҳор элчилари бўлмиш чучмўма, бойчечак ва бинафшаларни кўрган киши унга бенхтиёр талпинади, унинг атри-уффорисидан тўйиб-тўйиб нафас олгиси келади.

ЧУЧМЎМА

Чучмўма ўзининг нозик-ниҳол қамоти, феруза-нилий гуллари билан кишн назарини ром этмай қўймайди. Баҳор эркатойи бўлмиш чучмўма бизнинг ўлкамизни ошиён этган бўлса, уни биз пўрсилдоқ шудгор далаларимиз қўйнида, яйлов-адирларимиз кифтида, сервиқор тоғларимиз қафтида учратамиз. Баҳорнинг илиқ нафаси дастлаб бу мурғак чечакни уйғотиб, чиройини намойиш этади.

Чучмўманинг бўйи тизза бўйича бўлиб, унинг чизиқсимон барглари шохчани бағрига олиб, ўраб туради. Ўсимликнинг диаметри 1,5—2,5 сантиметр атрофида бўлган тухумсимон, қалин пўстли пиёзбошиси бўлади.

Маълумотларга қараганда, чучмўманинг 5 тури мавжуд бўлиб, унинг 4 хили бизнинг мамлакатимизда учрайди.

Чучмўма навбаҳорнинг кўркам чечакларидан бўлиши билан бир каторда, у кўҳна замонлардан бери шифобахш ўсимлик сифатида қадрланиб келади. Таниқли олимимиз С. Саҳобиддиновнинг берган маълумотларига кўра, чучмўма халқ табобатида истисқо (водянка) ҳамда болаларда ич кетиш касалликларида тавсия этилган. Шунингдек, чучмўма пиёзбошиси аввалбаҳор дамлари тансиқ масаллиқ — савзавот сифатида истеъмол қилинди.

БОЙЧЕЧАК

Баҳор эркатой чечакларидан ҳисобланмиш бойчечакни ким севмайди дейсиз. Унинг тилла мисол, заъфарон гуллари кишн ҳуморини банд қилмай қўймайди. Бойчечак кўп йиллик ўсимлик сифатида бизнинг ўлкамизнинг турли жойларида: тоғ этаклари, ялангт тепаликларда, жилғалар ёқаларида учраб туради.

Бойчечак турлари анчагина бўлиб, уларнинг барчасида пиёзбошн бўлади. Турлари орасида алп бойчечаги, византия бойчечаги, кавказ бойчечаги, корф бойчечаги, юнон бойчечаги, нуқраранг, бурма, Воронов бойчечаги ўзларининг турфа ва нозик кўринишлари билан бир-бирларидан ўзгача чирой, билан фарқланади. Ошиёнимизга мансуб бўлган, кенг тарқалган туркистон бойчечаги (уни қозоқ ва қирғизлар у-пияз деб аташади) кўркамлик даражаси билан ажралиб туради.

Бойчечак табобат оламида асқотиб қолди. Ундан саноат миқёсида галантамин препарати ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур препарат хавфли хасталикларидан бири бўлган полиомиелит асоратидаги фалаж, шол, ногиронликни даволашда ниҳоятда зарур дори-дармон сифатида қадрланади. Шунингдек, бойчечак препарати асаб системасининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган полиневрит, беланги, мушакларнинг озорланиши билан боғлиқ бўлган миастения, миопатия, сезги ва ҳаракат асаб толаларининг шамоллашида кенг қўлланма ишлатилмоқда. Бундай ноёб ва нодир дори-дармонни Тошкент химия-фармацевтик заводида ишлаб чиқарилиши ва ундан жаҳон қўламида фойдаланиши биз учун фахрланишга арзигули омил ҳисобланади. Ҳозирда Воронов бойчечаги саноат миқёсида ўстирилмоқда, чунки табиий ҳолда учрайдиган бойчечаклар саноат ва медицина талабларини қондира олмайди.

Кези келганда шу нарсадан воқиф қилмоқчимизки, бойчечакнинг пиёзбошиси ўзида қатор ўткир таъсир қилувчи доривор моддалар сақлагани туфайли ундан фавқулодда истеъмол қилиб қўймаслик лозим. Ҳозирда мактаб ўқувчилари, табиат шайдолари ўлкамизнинг гўзал бағрида бўлишиб, дпёримизнинг кўрки бўлган ноёб чечакларимизни қучоқ-қучоқ териб, бекорга нес-нобуд этмоқдалар. Ваҳоланки, бундай чиройли табиатимизнинг туҳфалари борган сари жуда камайиб кетмоқда.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

• *Денгизлар оша саёҳат*

АНТАРКТИДАДА ДАРЁЛАР БОРМИ?

Географик картага назар солсангиз, уни худди қон томирларидек қоплаб олган жуда кўп катта ва кичик дарёларни кўрасиз. Хўш, улар Ер шарининг энг жанубида жойлашган Антарктида қитъасида ҳам борми?

Сайёрамиздаги барча қуруқликлар ичида фақатгина Антарктидада доимий оқадиган дарёлар йўқ. Ёз ойлари қитъанинг қирғоқ қисмида қор ва муз эриши натижасида мавсумий дарёлар пайдо бўлади. Одатда бу дарёлар музлик устида оқади. Энг йирик дарёлар Кётлица, Мак-Мердо ва Ламберта музликлари устида мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, ер устида оқадиган дарёлар ҳам кўп топилади.

Антарктидадаги энг йирик Оникс дарёси бўлиб, унинг узунлиги 30 километрга тенг. Виктория ерида жойлашган Виктория дарёсининг узунлиги эса 25 километрга боради. Шунга ўхшаш дарёлар музли қитъада жуда кўп топилади. Шу кунлари Антарктидада ёз фаслининг энг қизғин дамлари. Қитъанинг қирғоқ қисмларида ҳаво ҳарорати 0— 5 даражага кўтарилиб, қор ва муз эришига энг қулай шароит туғилади.

Музли қитъадаги дарёлар умри энг қисқа сув манбаларига киради. Улар «музлайдиган» муддат декабрь, январь ва қисман февраль ойларидир. Ёз туғаши билан Антрактиданинг кўпчилик қисмида қутб тунлари бошланиб, ҳаво ҳарорати кескин пасаяди ва дарёлар суви музлаб қолади.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

ПОЙАФЗАЛ СИҚСА

Гоҳо биз назарни ром қиладиган оёқ кийими: этик, туфли, чувакларни учратиб қоламизда, уни бироз ихчам бўлиши, оёқларни сиқишига ҳам қарамай харид қилишга ошиқамиз. Шунда уни тоб «ташашингача кутиб, қийналиб юрмасдан қуйидагича амал қилишимиз мумкин: бунинг учун пойафзалга озроқ одеколон қўйиб дарров оёққа кийиладида пойафзал устини одеколон билан намланади. Шунда оёқ кийимнинг териси—чарми анчагина юмшаб, оёқ зуваласига мосланиб қолади.

Қисиб азоб берадиган пойафзелни мойил ҳолга келтиришнинг яна бир жўн амали мавжуд: унда оёқ кийимининг ичига намланган газетани қамшатиб киргизиб қўйиш лозим бўлади.

КУМУШ БУЮМГА РАНГ БЕРИШ...

Уй бисотида бўлган кумуш буюмлар бироз хиралашиб жилосини йўқотган бўлса, унга ўзига хос жозибали нуқра рангини бериш осон. Бунинг учун аввал буюмларни хохлаган сунъий ювувчи воситалар билан ювиб олинади-да, гипосульфит эритмаси билан ювилади (сурат чиқаришда ишлатиладиган натрий гипосульфитидан 20 граммча олиб 100 граммча сувда эритилгани). Сўнгра илиқ сувда чайиб олсангиз, зар мисол йилтиллаб кетади.

ШИША ИДИШНИ ТОЗАЛАШ

Бўйни ингичка шиша идишни (графинлар, ваза ва бошқа) ичини чиннидек қилиб тозалаш учун қуйидаги амалдан фойдаланилса бўлади: идиш ичига илиқ сув билан хом тухум пўчоқлари ташланади-да, яхшилаб чайқалади.

Д. ХУЖАЕВА.

Ушбу суратда Кемерово областидаги Прокопьевск чинни заводи ишлаб чиқараётган сервиз тасвирланган. Бу йил корхона коллективи 46 миллион сўмлик ана шундай чиройли чинни буюмлар ишлаб чиқаради.
ТАСС фотохроникаси.

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ХАЛҚ НАҚЛЛАРИ

- Борингда атрофингда фармонбардор, йўқингда сендан нари осмони фалак бўлган дўстдан қоч.
- Дилни вайрон қилиш душманнинг иши, дилга ором бағишлаш дўстнинг иши.
- Бошингга мушкул иш тушганда дарҳашган дўстингдан ажралма!
- Яхшилигини деш қиладиган қиши чин дўст эмас.
- Сен нодонга хизмат қилсанг раҳматини кутма.
- Эртани ўйламаган одам бугуннинг қадрини билмайди.
- Сув ҳамма нарсани тоза қилади, лекин ўзини ўзи тоза қилолмайди.
- Ёшликда соғлиқ қадрини билмаган одам, қариганда унинг азобини тортади.
- Бахил — тиканли дарахт бўлса, қурумсоқ —қуруқ ёғочдир.
- Фисқу-фасод йўқ жойда ахиллик устун бўлади.
- Оғир табиатлилик—оқиллик нишонасидир.
- Ширинсухан ўйдан қадам аримас, қўпол сўзли уйга ит ҳам қарамас.
- Улуғлар олдида ёшларнинг бақириши ёки қаттиқ овоз билан сўзлаши фаросатсизлик белгисидир.

М. АҲМЕДОВ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

Нор ва Қуёш

Нор дер:
«Бўлут тўсади,
Ҳар йил қишда
юзингни.
Қор, изгирин эсади,
Соғинамиз ўзингни.
— Юзим очсам, —
дер Қуёш, —
Эрийди қор,
яхмалак.
Зангламай конки ва
чананг
Сўнг юрарсан
ўйнаб.

Тошнўлат
ХОЛМАТОВ.

• *Дам олиш соатида*

«ҚУШЛАР» ЧАЙНВОРДИ

1. Зараркунанда ҳашаротлар билан овқатланадиган, чумчуқсимонлар оиласига мансуб қуш. 2. Мамлакатимизда қўлаб овланадиган маданий қуш. 3. Иртқич қушлар турқумига мансуб қуш. 4. Ржанкалар оиласига мансуб қуш. 5. Баҳор даракчиси. 6. Ўрта денгиздан Тибетгача тарқалган оққанот, олақанот қуш. 7. Ҳиндихитойда. Малакка ва Суматрада кенг тарқалган қирғовуллар оиласига мансуб гўзал қуш. 8. Сайроқи қуш. 9. Қуракоёқли қушлар турқумига мансуб, арра тишли қуш. 10. Қизилиштонлар турқумининг оиласига мансуб қуш.

Тузувчи: Ф. Ғафуров.

21 ФЕВРАЛДАГИ «КРОССВОРД»НИНГ ЖАВОБЛАРИ

Ўнгга: 1. Жауль. 3. Прага. 5. Самум. 7. Коперник. 9. Лава. 11. Милан. 14. Попов. 15. Ёнғоқ. 18. Нигер. 19. Геология. 22. Латиш. 24. Калий. 26. Курск. 27 Крим.

Чапга: 2. Таль. 4. Трилогия. 6. «Лазги». 8. Шовул. 10. Катет. 12. Шимол. 13. Майна. 16. Лочин. 17. Шопен. 20. Маркурий. 23. Қайиқ. 25. Тарим. 28. Каср.

***

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга оқшомхонлардан М. Маҳкамов, М. Собиров, К. Тўлахўжаев, Х. Зуфаров, А. Аюбов, Ш. Кобилов, А. Обидхўжаев, Х. Нуриддинов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб йўллашган. Хат юборган ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

МУКОФОТЛИ ЖАЗО

ҲАЖВИЯ

Бошлиғимизнинг эрталабдан кайфияти ёмон эди. Ходимлар билан гаплашганида ҳам, ёзишчизишида ҳам шу билиниб турарди. Кўп ўтмай у Салимжонни кабинетига чақирди. Салимжон янги ходим бўлса ҳам ўз ишига уста, ишнинг кўзини билади. Лекин у кеча ишга келмай қолганди.

Кабинетдан уларнинг суҳбати қулоққа чалиниб турарди.

— Хўш, кеча нима гап бўлди ўзи, ўртоқ Каримжонов?

Бошлиғимизнинг одати шунақа эди: жаҳли чиқса «ўртоқ» сўзини албатта қўшиб гапиради.

— Зарур иш чиқиб қолди.

— Ишдан ташқари яна қанақа зарур иш бўлиши мумкин?! — бошлиғимизнинг овози баландроқ эшитилди.

Салимжон жавоб беролмай қолди чамаси, хонага жимлик чўкди. Фақат бошлиғимизнинг тилларанг ручкаси стол устидаги ойнага тақ-тақ этиб урилаётгани эшитиларди.

— Қани, кутиб ўтираверамизми муборак жавобингизни?!

— Яқинда уйланмоқчи эдим, учрашувга боргандим.

— Бошқа вақт қуриб қолганмиди, ўртоқ Каримжонов!

Жавоб бўлмади.

— Ўртоқ Каримжонов, бўлмаса гапнинг лўндаси шундай. Ишга бесабаб келмаганлигингиз учун хайфсан эълон қиламан.

Салимжон бошлиқ кабинетидан бўшашиб чиқди. Ҳамдардлик билдирмоқчи эдик, вақти эмас, деб индамай қўя қолдик. Бошлиғимизнинг яна бир одати бор: бировни бир ҳисса хафа қилса, иш вақти охирлаб қолган эди. Бошлиғимиз яна Салимжонни чақирди.

— Аҳвол қалай, Салимжон?

Салимжон бундай самимий гапни кутмаган экан шекилли, дастлабига жимиб қолди. Лаб наҳорга аччиқлашиб олдик. Ҳа майли, унут бўлиб кетар. Тўйни тезлаштирамизми, тўй бўлсин, ғам бўлмасин... Сиз менинг ручкамга ишкибоз эдингиз. Мана, уни сизга совға қиламан.

Салимжон кабинетдан иш деган бундоқ бўпти, дудуда юрганини баҳона қилди. Эрталаб бошлиқ дағдаға қилди, ишдан бўшатиб юбораман деди. Лекин анчагача ўзи ҳам хафа бўлиб, бош чайқаб юрди. Кечга яқин яна Салимжонни чақиртирди. Айёр кабинетдан бошлиғимизнинг қора папкасини кўтариб чиқди.

— Иш деган бундоқ бўпти-да,— деди у илжайиб.

Афтидан бошлиғимизнинг ҳарактери ёқиб қолди шекилли, Салимжон роса беш кун ишга сабабсиз келмай кўйди. Олтинчи куни биз билан сўрашмай ҳам тўппа-тўғри тепасига «бошлиқ» деб ёзиб қўйилган хонага кириб кетди.

— Энди бошлиқнинг креслосини эгалласа керак,— деди ходимлар кулишиб.

Бироқ зум ўтмай у кабинетдан шампан пробкасидек отилиб чиқди.

Рақбаримиз янги бўлган, Салимжоннинг ўрни ҳам ўнгиланган эди.

Абдусаттор ХАТАМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент ШАНБА ОҚШОМИ

14 МАРТ, 1981 й.

ТЕЛЕВИЗИЕ

Ҳафталик программа

15 МАРТ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аёз бобо». Бадиий фильм. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 РСФСР билан Туркия ўртасида дўстлик ва қардошлик тўғрисида Шартнома имзоланганлигининг 60 йиллигига. «Туркия бўйлаб». Ҳужжатли фильм. 15.35 Шостакович номли квартет чалади. 16.05 «Жонажон табиат». 16.30 Спорт программаси: Чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. Трамплин. 90 м. Норвегиядан олиб кўрсатилади. Сув полоси бўйича СССР чемпионати. ККФ (Боку) — «Динамо» (Олмаота). Тбилисидан олиб кўрсатилади. 17.25 «Экран дўстларни чорлайди».

18.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». М. Врубель. Туғилган кунининг 125 йиллигига бағишланган 1-кўрсатув. 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Етти ога-ини». Мультфильм. 19.30 «Беш йиллик ва коллектив». Экибастуз қўмиридан мамлакат иссиқлик электростанцияларида фойдаланишнинг самарадорлиги тўғрисида. 1-кўрсатув. Кўрсатувда СССР Қўмир саноати министри Б. Ф. Братченко ва Қозоғистон Компартияси Павлодарь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Исаев иштирок этади. 20.00 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва ижросида испан қўшиқлари». 20.20 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм премьераси. А. П. Чеховнинг шу номли повести асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти, М. Глинка номли РСФСР Давлат мукофотининг лауреати В. Федосеев раҳбарлигидаги Катта симфоник оркестрининг 50 йиллигига бағишланган концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Сувга сакраш бўйича «Баҳор қалдирғочлари» Халқаро мусобақалари. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

19.30 «Спортчилар класси». 19.45 «Куйловчи чиғаной». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Сиғни кизиқтирган китоблар». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар». «Сеҳрли экран» 21.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Слободяник концерти (фортепьяно). 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Сокол» В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.20)— Конькида югуриш бўйича Халқаро мусобақалар. Эркаклар. СССР—Норвегия матчи. «Динамо» стадионининг сўқиш ҳмалагидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

10.15 Кўрсатувлар программаси. 10.20 «Мамлакатимиз табиатининг хилма-хиллиги». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 10.40 «Ўзлигингни топ». Телефильм. 11.30 «Мамлакатимиз табиатининг хилма-хиллиги». Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тонгги музика». Мультфильм. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ешлик студияси кўрсатади. Ватанпарвар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Рангли тошлар». Телефильм. 20.00 «Узбекистонда совет адабиёти кунларига. «Халқлар дўстлиги—адабиётлар дўстлиги». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевиденеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Боболар ери». Бадиий фильм. 23.50 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильмлар: «Ўчки ва уч ячки боласи», «Қандай қилиб Лариса лақабли тулки хазина топди?». 19.05 Узбекистонда совет адабиёти кунларига. Шоир Р. Гамзатов ҳақида телефильм (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.15 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Оила ҳуқуқи». 20.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

17 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Сизга манзур шеърлар». 10.35 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.40 Добруджан ашула ва рақс ансамблининг концерти (БХР). 12.25 «Центрнаучфильм» киностудиясы илмий-оммабоп фильмлари программаси. 13.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильм (Болгария). 15.35 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 16.15 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Спартак» (Киев)— «Жальгирис» (Каунас). Каунасдан олиб кўрсатилади. 16.50 Ирландиянинг миллий байрамига. «Ирландия — ирландлар ери». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 17.45 «Рус тили».

18.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». М. Врубель. Туғилган кунининг 125 йиллигига бағишланган 2-кўрсатув. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Яқин Шарқда тинчлик учун курашнинг янги босқичи». Кўрсатувда Фаластин озодлик ташкилоти ижроқомининг аъзоси Я. Абд Раббо, Миср миллий тараққиёт (сўл) партиясининг Бош секретари Х. Мохиэддин, Сурия Коммунистик Партияси Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Ю. Фейсал иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ф. М. Сейфуль-Мулюков олиб боради. 20.15 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм премьераси. А. П. Чеховнинг шу номли повести асосида. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нежданова уйида». 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

19.30 Илдизлар ва шох-барглар». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 Д. Шостакович. 5-симфония. 21.15 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичинтойлар». Мультфильм. 21.30 Арманистон ССР Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. Ереванда олиб кўрсатилади. 22.05 Футбол бўйича мавсум кубоги учун. «Динамо» (Киев) — «Шахтёр» (Донецк). Симферополдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Л. Н. Толстой ҳаётининг саҳифалари». Адабиётдан ўқув кўрастуви (рус.). 12.00 «Одамлар, ишонинг менга». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса ҳақида». Мультфильм. 18.30 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXVI съезди материалларида илмий коммунизм назариясининг ижодий ривожлантирилиши». 19.20 Узбекистон халқ шоири Ўйғун ҳақида телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Узбекистонлик ёшлар Бутуниттифоқ Давлат Кинематография институтида таълим олмоқдалар». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси шарқ факультети студентларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари —ҳаётга! «Пахтакорларнинг баҳорги юмушлари». 22.20 «Юксалиш». В. Быковнинг «Сотников» повести асосида бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз «Ростсельмаш»га борамиз». 19.00 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Адабиёт». 19.40 Узбекистонда совет адабиёти кунларига. «Чингиз Айтматов». Телефильм (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.20 Париж Коммунаси кунига. «Парижнинг алвои елкани». Ҳужжатли фильм (рус.).

18 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси. 10.35 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.50 Композитор А. Николаев асарларидан концерт. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Париж Коммунаси кунига. «Гюстав Курбе». Илмий-оммабоп фильм. 15.40 Г. Берлиоз. «Фантастик симфония». 16.35 «Мураббий». Телевизион журнал. 17.05 «Шахмат мактаби». «Оқ рух». 17.35 «Баҳорда, боғда». Фильм-концерт.

18.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.35 «Жасорат». 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 А. Пахмутованинг Н. Добронравов шеърларига ёзган қўшиқларини СССР халқ артисти М. Магомаев ижро этади. 20.00 «Кинокамера оламни кузатади». Кўрсатувни АПНнинг сиёсий шарҳловчиси Г. Боровик олиб боради. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) — «Вест хэм» (Англия). Тбилисидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.45). —«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 22.10 «Париж тонглари». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Бизнинг ҳовлимиздаги олимпиадачилар». 18.35 Болалар учун концерт. 19.05 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга. «Муҳаббат— омма ижоди» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Париж Коммунаси ва рассомлар». 20.15 «Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Тоғ қизи». Бадиий фильм. 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

— II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Баҳорги ўйинлар». Фильм-концерт. 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 19.30 Узбекистонда совет адабиёти кунларига. «Қайсин Қулиев». Телефильм (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.15 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Адабиёт» (рус.). 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

19 МАРТ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 «Париж тонглари». Бадиий фильм. 12.10 Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.40 Д. Мийо. «Оламнинг яратилиши» балетидан сюита. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ўренгойгача билет». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Бил ва ўддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.55 «Телестадион». 17.25 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.10 «Цунами». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Бош йўналиш». КПССнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун кураши. Кўрсатувни ТАССнинг сиёсий шарҳловчиси С. Ф. Кулик олиб боради. 19.10 «Кўзга кўринмас Пети». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сўз — съезд делегатларига». СССР Давлат мукофотининг лауреати, Москва шаҳар архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиги, РСФСРда хизмат кўрсатган архитектор Г. В. Макаревич сўзи. 19.45 «Проводникнинг ўлими». Телевизион бадиий фильм премьераси (Франция). 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак»— «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида (23.05)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

19.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.15 «Куй валломати». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 22.10 «Қизил реквием». Бадиий фильм (Венгрия).

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Тўбан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари» (такрорий). 12.30 «Тўбан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Чигирек». Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга!. «Хива гилам тўқув комбинатида ишлаб чиқариш қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш учун». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қўтарилган елканлар шаҳри». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Турмуш ва маданият». 20.30 «Ахборот». 20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Комилжон Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Узбекистонда совет адабиёти кунларининг тантанали очилиши. А. Навоий номли Узбек Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. (Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси).

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Абитуриентлар учун. Она тили. 19.10 Реклама. 19.30 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Оила ҳуқуқи» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.15 «Уч эскиз». Фильм-концерт. 20.40 Абитуриентлар учун. Физика.

20 МАРТ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Проводникнинг ўлими» Телевизион бадиий фильм (Франция). 11.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш куйлари». Кинопрограмма. 15.50 «Москва комсомолининг ишлари». 16.20 Тунис мустақил деб эълон қилинганлигининг 25 йиллигига Тунис миллий рақс ансамблининг концерти. 17.00 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!». Волгограддаги «Красний Октябрь» заводининг металлургиясида ҳақида. 17.15 Чанги спорти бўйича СССР кубоги. Хотин-қизлар. 5 км. Сиктивкардан олиб кўрсатилади.

18.10 Ф. Шопен. Сайланган мазуркалар. 18.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қор маликаси» Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Халқ оҳанглари. 19.40 «Сўз— съезд делегатларига». Москва Ёзувчилар ташкилоти правлениесининг биринчи секретари, филология фанлари докторн Ф. Ф. Кузнецов сўзи. 20.10 «Декабрь бошида икки кун». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Бенефис» программалари саҳифаларида. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Чанги спорти бўйича СССР кубоги. Эркаклар. 15 км. Сиктивкардан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Огир атлетика бўйича «Дўстлик кубоги» Халқаро мусобақалари. Льовдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар» Мультфильм. 21.30 И. Брамс. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 22.10 «Ғўғилик». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериллар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳақиқий карнайчи эди» Телеспектакль (рус.). 12.35 «Светофор» (такрорий). 13.35 «Очиқ қалб билан». Телефильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Пин ва Гвин». Қўғирчоқ фильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ешлик завқи». 19.15 «Янги қаҳрамонлар». Тошкент область Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг бригада бошлиги П. Ратушняк ҳақида телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ишчанлик руҳидаги даврада». Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов телетомошабинларнинг саволларига жавоб беради (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Гуллар тақдирсуми». Музикали адабий композиция. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 1 серил. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Узбекистонда Совет адабиёти кунлари. «Даниил Гранин ҳикоя қилади». Телефильм (рус.). 19.30 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга!». Она шаҳрим — Тошкентим». 20.00 Янгиликлар. 20.15 Абитуриентлар учун. Математика.

21 МАРТ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «АББГДейна». 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун». 11.35 «Халқ оҳанглари». 11.50 «Музей ва қўргазма заллари бўйлаб». Франция музейларида. Ғарбий Европа амалий санъати. 12.20 «Спортлото»нинг 12-тираж. 12.30 «Тошда, темирда ва олтинда». Максим Танк поэзияси. 13.05 «Ирландия — ирландлар ери». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 14.00 «Қуёш ҳазинаси». 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун. «Салом, дарё». Бадиий фильм. 16.20 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 16.50 «Ҳайвонот оламида». 17.50 «СЎЗ— СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА». Арманистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. А. Петросян сўзи.

18.00 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 18.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 19.05 «Бир том остида». Мультфильм. 19.20 «Хатларингиз асосида...» Музикали программа. 20.05 «Валерий Чкалов» Бадиий фильм. Фильм мамлакат экранларига чиқарилганлигининг 40 йиллигига. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/4 финал. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Кўпевнаучфильм» студияси илмий-оммабоп фильмлари программаси: «Комплекс», «Сенинг ҳар бир қадаминг ҳам», «Ёрдаги бойликлар ҳароратига». 9.45 Шимол рус қўшиқларини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус қўшиқлари академик хори ижро этади. Бадиий раҳбар —РСФСР халқ артисти Н. Кутузов. 10.15 «Онамларнинг мактаби». 10.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.15 «Рус тили». 11.45 «Солдат фронтдан қайтди». Бадиий фильм. 13.05 «Фан оламида». 13.35 Огир атлетика бўйича «Дўстлик кубоги» Халқаро мусобақалари. Льовдан олиб кўрсатилади. 14.20 «Арфа янграйди». Фильм концерт. 14.30 В. Черних. «Келган куни — кетган куни». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 16.55 «Муаммолар, изланишлар, ечимлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 17.30 Г. Карева куйлайди. 17.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.

18.40 Монголия Халқ Республикаси Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.10 «Бир соат илгари». 1981 йил 1 апреддан бошлаб СССР территориясида вақт ҳисобининг тартиби тўғрисида. 19.30 Чанги спорти бўйича СССР кубоги. Хотин-қизлар. Эстафета. 4х5 км. Сиктивкардан олиб кўрсатилади. 20.25 «Музикали киоск». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 Шаҳарлар ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Пятигорск». «Майлисой — нурафшон шаҳар». 22.10 «Мен ва менинг қўшиқларим». Телевизион бадиий фильм. 23.15 Огир атлетика бўйича «Дўстлик кубоги» Халқаро мусобақалари. Льовдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 11.10 Тожикистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси «Зебо» ансамблининг концерти. 11.50 «Сиҳат-саломатлик» Илмий-оммабоп программа. 12.20 «Кинопублицист экрани» (рус.). 13.05 «Шахмат мактаби». 13.35 «Қишлоқ ижувари». Бадиий фильм. 15.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Бизнинг янги адресимиз». 15.30 «Буни ҳамма билиши ва ўрдалаши керак» (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви. 18.35 «Салом, Россия!» Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Отажонов ва солист Ф. Солиҳова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ —ҲАЕТГА! «Баҳорги экиш —биринчи имтиҳон». 22.20 «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.45 Қўл тўпи бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. 1-лига. «Старт» (Тошкент) — «Заря» (Астрахань). Ёзиб олинган репортаж. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

●

16.50—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

22 МАРТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Заряднага сафланинг!». 10.05 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Данилов чалади (балалайка). 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» программасининг почтаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 М. Горький. «Зиковлар». М. Горький номли Куйбишев академик драма театри фильм-спектаклининг премьераси. 17.24 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.25 Мультфильмлар программаси. 19.00 М. де Фалья. «Треуголка» балетидан 2-сюита. 19.15 «Халқаро панорама». 20.00 «Давраки кенг олинг». Эстрада программаси. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/4 финал. 23.45 Огир атлетика бўйича «Дўстлик кубоги» Халқаро мусобақалари. Льовдан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (00.05) —Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

18.00 Ираклий Андроников. «Большой зал ҳақида хотиралар». Телевизион фильм. 19.20 Чанги спорти бўйича СССР кубоги. Эркаклар. Эстафета 4х10 км. Сиктивкардан олиб кўрсатилади. 20.30 «Звездочёт» телевизион журнали. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Қўғирчоқ спектакль. 21.30 Концерт. 22.10 «Пойгачилар». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Л. Саримсоқова (такрорий). 11.30 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув (рус.). 12.05 «Кувнок стартлар». 13.05 «Оқ кема». Ч. Айтматовнинг шу номли асари асосида бадиий фильм. 14.45 ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ. «Дружба народов» журналининг адабий кечаси. 16.00 «Узбекистон спорти». 16.30 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Билмасвой рулда». Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 18.55 «Юрак ҳамиша йўлда». Узбекистон халқ шоираси Зулфия ҳақида видеофильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Наврўзи олам». Байрам музикали программаси. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

●

16.00—21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА
ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

«XV—XIX АСРЛАР ҒАРБИЙ ЕВРОПА САНЪАТИНИНГ АТОҚЛИ НАМОЯНДАЛАРИ» мавзуида лекциялар циклы

15/III да— РЕМБРАНДТ ХАРМЕС ВАН РЕЙН.
29/III да— РАФАЭЛЬ САНТИ.
5/IV да— МИКЕЛАНДЖЕЛО БУОНАРРОТИ.
12/IV да— ТИЦИАН ВЕЧЕЛЛИ.
19/IV да— НИКОЛА ПУССЕН.

Лекциялар соат 12.00 да бошланиб, музейнинг илмий ходимлари томонидан ўқилади ва диапозитивлар кўрсатиш билан биргаликда олиб борилади.

Лекциялар циклига билетларни музей кассасидан олиш мумкин.

Справкалар олиш учун телефон 32-73-45.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар «Вторсирьё» ишлаб чиқариш тайёрлаш корхонасининг

КЎЧМА ҚАБУЛ ПУНКТИ-МАГАЗИНЛАРИ

Аҳолидан турар жойлари бўйича прейскурантга мувофиқ чекланмаган миқдорда

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ

Бу аҳоли учун қулай ва фойдалидир.

Иккиламчи хомашёларни топшириб, белгиланган алмашув нормаларига асосан камёб молларни олишингиз мумкин.

Март ойида қабул пунктлари-магазинлари Чилонзор массиви аҳолисидан иккиламчи хом ашёларни қабул қилади.

ГРАФИК; март ойининг иккинчи декадасида—6, 7, 8, 9, 10, 11 квартал аҳолиси, ойнинг учинчи декадасида эса 12, 13, 14, 15, 16, 17, 19-квартал аҳолисига хизмат кўрсатилади.

Кўчма қабул пунктлари ҳар куни (душанба, сешанбадан ташқари) соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Иккиламчи хом ашёларни кўчма қабул пунктларимагазинларига топширинг.

Тошкент шаҳар «ВТОРСИРЬЁ» ишлаб чиқариш тайёрлаш корхонаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25—31 МАРТ КУНЛАРИ
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ПРОГРАММАДА—«МАЙМОҚ АЙИҚ», «МАНЕЖ ҚИРОЛИ» КИНОФИЛЬМЛАРИ ВА «АЙИҚ» француз кинокомедияси қатнаши —

АЙИҚ ГОША ҚАТНАШАДИ

ЎРГАТУВЧИ— РСФСР халқ артисти ва Удмурдистон АССР халқ артисти ИВАН КУДРЯВЦЕВ.

Акробат-эксцентриклар, эквилибристлар, музикали номерлар, жонглёрлик, ўргатилган қучуклар группаси, ВЯЧЕСЛАВ НОСКОВ ва ДМИТРИЙ РОГОЗИНЛАР ижросида масхарабозликлар, интермедиялар, пародиялар.

Томошалар соат 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

14 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.05 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.35 Мультфильмлар программаси. 19.05 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 Концерт. 20.20 «Биз қуйида имзо қўювчилар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Биз қуйида имзо қўювчилар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. Аёллар. 20 км. Эркаклар 50 км. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

18.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 18.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСРда хизмат кўрсатган рассом А. Шилов. 19.10 «Музикали киоск». 19.40 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.25 Чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. Аёллар. 20 км. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 22.10 М. З. Ярулиннинг «Ўрмон қўшиғи балети.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Чип». 18.45 Болалар учун. «Юлдузча». 19.15 Узбекистонда Совет адабиёти кунлари олдидан. «Сўзқуроли билан». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Тошкент тароналари». Фильм-концерт («Узбектелефильм»). 20.15 «КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга!». Узбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри А. И. Бродова сўзи. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ҳасанова, М. Жўраева ва А. Маҳмудов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Илгор тажриба — умумхалқ мулки». Сирдарё область Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози ҳақида. 22.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи». 23.15 «Денгиз қурамиз». Ҳужжатли фильм. («Узбектелефильм»). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Ун учинчи раис**, 15/III да **Кузнинг биринчи куни** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/III да **Дилафрузга тўрт ошиқ**, 15/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 16/III да **Кулги кечаси**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Отасининг қизи** (19.00), 15/III да **Баланд дорга осилма** (12.00, 15.00, билетлар сотилган).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ОҚШОМ ЛАБИРИНТИ»— **Дружба** (жуфт соатларда).

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — **Ғ. Ғулом номли** (17.30, телефон 48-42-80).

15 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БИТИШУВ»— **Москва.**

«ИЛЛАР ВА ТАҚДИРЛАР» — **Дружба.**

«ЙИЛ БОШИДА»— **Чайка.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» —**Тинчлик** (12.30, 13.30, 18.30, 19.00, телефон 53-86-07), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ҲИСОБ НУҚТАСИ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **